

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХРОРОВ ВОРИС ЮНУСОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ПСИХОЛОГИК  
САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК-  
ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Psychological Sciences**

**Ахроров Ворис Юнусович**

Олий таълим муассасалари талабалари психологик саломатлигини  
таъминлашнинг психологик-педагогик омиллари.....5

**Ахроров Ворис Юнусович**

Психолого-педагогические факторы обеспечения психологического здоровья  
студентов высших учебных заведений .....25

**Akhrorov Voris Yunusovich**

Psychological and pedagogical factors of ensuring the psychological health of  
students of higher educational institutions.....47

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications.....51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АХРОРОВ ВОРИС ЮНУСОВИЧ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ПСИХОЛОГИК  
САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК-  
ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Psi81  
рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([psi-ik@uz](mailto:psi-ik@uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Самаров Рустамжон Садриддинович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Камилова Нодира Ғайратовна**  
психология фанлари доктори (DSc), доцент

**Расулова Феруза Файзуллаевна**  
психология фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ф.А.Акрамова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
психология фанлари доктори, доцент

**Н.Б.Атабаева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
психология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Т.Нишанова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, психология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда «оммавий маданият» кўринишларининг тарғиб этилиши шароитида ўспиринлик ва етуклик давридаги ёшларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи психологик-педагогик омилларни ўрганиш ва уларнинг профилактикаси бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тизимлаштириш масаласи бугунги кунда психология соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси томонидан «...психик саломатликсиз саломатлик мавжуд бўлмайди»<sup>1</sup> тамойили асосида мажмуавий ҳаракатлар режасининг амалга ошираётганлиги муаммонинг нақадар муҳимлигини кўрсатмоқда. Бу борада талабалик ёш даврида уларнинг ўз саломатлигига муносабатини барқарор қадрият сифатида шакллантириш, саломатликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масалалари долзарб аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида психологик саломатликни таъминлаш муаммоси бўйича жамиятда биопсихосоциал модель доирасида жамоатчилик саломатлиги, саломатликка таҳдидлар психологияси, саломатликка нисбатан қадриятли муносабатни шакллантириш, соғлом ҳуққатвор моделларини яратиш, психокоррекциявий дастурларни такомиллаштириш, саломатлик психологияси соҳасини ривожлантиришга оид тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, талабаларнинг психологик саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим муҳити билан боғлиқ бўлган психологик-педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этишнинг психологик йўналишларини тадқиқ этиш, таълим субъектларини психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар туфайли «...ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш»<sup>2</sup> кўникмаларини шакллантириш механизмларининг меъёрий асослари яратилиб, «...психологик саломатликни кенг тарғиб этишга ва психик саломатлик билим ва кўникмаларини ёшлар ва катталарда шакллантиришга қаратилган ижтимоий, амалий, илмий ва фундаментал лойиҳалар таъсис этиш»<sup>3</sup> масаласи устувор вазифалар сифатида белгиланганлиги, жамиятимиз аъзолари, шу жумладан талабалар психологик саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни психологик қўллаб-қувватлашга қаратилган илмий изланишларни

<sup>1</sup> Всемирная ассамблея здравоохранения, 66. (2013). Комплексный план действий в области психического здоровья на 2013-2020 гг.. <https://apps.who.int/iris/handle/10665/151502/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-6155-сон фармон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2021 й., 06/21/6155/0082-сон;

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2019 й., 09/19/472/3253-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.08.2021 й., 09/21/511/0793-сон.

чуқурлаштириш, муаммолар ечимига доир янгича ёндашувларни топиш имконини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармонлари, 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Психологик саломатликни таъминлаш муаммоси юзасидан хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан бир қатор илмий изланишлар амалга оширилган. Ўзбекистонда психологик саломатлик муаммоси бўйича психолог-олимлардан Ш.Р.Баротов, Э.Ғ.Ғозиев, Ф.Э.Ғазиева, Р.Самаров, А.Саидов, Д.И.Илҳамова, М.Х.Карамян, В.М.Каримова, Н.Ғ.Камилова, Б.Р.Қодиров, С.Р.Мирзаева, З.Т.Нишанова, Б.М.Умаров, Ғ.Б.Шоумаров ҳамда педагог-олимлардан О.Жамолдинова, С.Йўлдашева, И.Маттиев, О.М.Мусурмонова, К.Рисқулова, Н.К.Светличная, М.Тилавов, М.Т.Тоирова, Т.Уматқулов, Д.Д.Шарипова ва бошқалар илмий изланиш олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан В. Ананьев, С.Борисова, Е.Васильева, А.Курков, О.Васильева, Ф.Филатов, И.Гурвич, О.Даниленко, И.Дубровина, Ғ.А.Ковалев, В.Коновальчук, И.Коцан, В.В. Кудряшова, О.Лебедева, Е.Литницкая, Д.Метелкина, А.Мишина, Ғ.Никифоров, С.Оксанич, Н.Пронина, И.Ральникова, Ю.Родин, Н.Родионов, В.Соломонов, М.Хватова, Т.Хомуленко ва бошқалар ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, таълим муҳитига мослашувда психологик саломатликнинг аҳамияти масалаларини тадқиқ этишган.

Хориж тадқиқотчиларидан А. Antonovsky, М. Barerra, S. Cohen ва Т. Wills, Е. Frydenberg ва R. Lewis, N. Haan, S. Hobfoll, С. Holahan, Т. Kroeber, R. Lazarus, G. Marshall, G. Mc. Callion ва J. Feder, R. Moos ва S. Schaefer, Т. Millon, С. Peterson ва М. Seligman, Т. Pozzoli ва G. Gini, С. Ryff, G. S. Schmitz, R. Schwarzer, Sidney M. Jourard, Т. Teismann, G. Vaillant, J. Winnubst ва бошқалар саломатлик, психологик саломатлик, психологик фаровонлик, психологик ҳимоя, саломатликни таъминлаш механизмлари, психик барқарорлик, стресс, депрессия, установкалар, «Мен» тимсолининг саноген соҳаси, саломатликнинг ички манзараси каби масалаларни илмий тадқиқ этишган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг SPs-01 рақам билан рўйхатга олинган «XXI аср психологиясида шахс тараққиёти концепцияси» мавзуси доирасида бажарилган (2016-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** талабалар психологик саломатлигига таъсир кўрсатувчи психологик-педагогик омилларни аниқлаш ҳамда олий таълим муассасаси психологик хизмати фаолиятини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабалар психологик саломатлигига таъсир этувчи психологик-педагогик омилларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

талабаларнинг психологик саломатлигига таъсир кўрсатувчи психологик-педагогик омилларни эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш;

талабалар психологик саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган психопрофилактик ишларни психокоррекциявий тренинг машғулотлари ёрдамида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

талабалар психологик саломатлигини таъминлашда психологик хизмат тизимини такомиллаштириш механизмлари ва моделини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасаси талабаларининг психологик саломатлигини таъминлаш жараёни танланган бўлиб, тадқиқотда Самарқанд давлат университети ҳамда Қарши давлат университетининг 18-23 ёшдаги талабалари жалб этилиб, респондентларнинг умумий сони 420 нафарни ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни олий таълим муассасаси талабалари психологик саломатлигига таъсир кўрсатувчи психологик-педагогик омиллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда И.Баеванинг «Таълим муҳитининг психологик хавфсизлиги» номли сўровномасининг модификацияси, М.Рокичнинг «Қадриятлар йўналиши» методикаси асосида С.Оксанич томонидан тузилган «Талабаларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш анкетаси», Г.Айзенкнинг «Шахс сўровномаси (ЕРІ)»нинг «Нейротизм» шкаласи, Б.Филлипснинг «Таълим муҳитида хавотирланиш даражасини аниқлаш» методикаси, Дембо-Рубинштейннинг «Ўз-ўзини баҳолаш» методикаси, математик статистика (частотали таҳлил, Пирсоннинг корреляцияли таҳлил ҳамда Стьюдентнинг t-мезони) методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларининг таълим муҳитидан қониқиш даражасига бевосита таъсири «субъект-субъект» муносабатларида вазият билан боғлиқ хавотирланишнинг ҳиссий-когнитив компонентини ўз-ўзига адекват муносабатни ривожлантириш асосида пасайтиришига кўра, психологик саломатликни таъминловчи психологик-педагогик омил эканлиги далилланган;

талабаларнинг ўз-ўзига берадиган баҳосининг адекватлигига кўра, «саломатлик», «характер», «ақлий фаолият» мезонларини марказга қўйиш тамойили негизида трансформацияланиши асосида психосоциал саломатликнинг рефлексив томонини ривожлантириш мумкинлиги далилланган;

талабалар психологик саломатлигини таъминлашда саноген тафаккурнинг эмоционал барқарорлик ва соғлом турмуш тарзига оид тасаввурлар конатив жиҳатини кучайтириш орқали ривожлантиришга қаратилган «жамоавий ўйин», «десенсибилизация», «фединг» психокоррекцион усулларни интегратив ёндашув асосида қўллаш самарали эканлиги далилланган;

«Олий таълим муассасаларида психологик хизматни такомиллаштириш модели» психологик фаолиятда когнитив, эмоционал, хулқ-атвор жиҳатларни шакллантириши муҳимлигига кўра, психопрофилактик-коррекцион йўналишларга детерминизм тамойилига мувофиқ «саноген рефлексияни ривожлантириш» компонентини бириктириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси талабаларининг психологик саломатлигига таъсир кўрсатувчи таълим макони ва шахс хусусиятларини ўрганишга оид психодиагностик методика ва сўровномалар апробация натижасида амалиётга жорий этилган;

талабаларнинг психологик саломатлигини таъминлашда муҳим бўлган психологик-педагогик омилларни аниқлаш, психокоррекциявий машғулотлар ёрдамида психологик саломатликка салбий таъсир этувчи ҳолатларни енгиб ўтиш кўникмасини ривожлантириш ҳисобига психопрофилактик ишлар услубий жиҳатдан такомиллаштирилган;

таълим маконида талабалар психологик саломатлигини таъминлашга йўналтирилган олий таълим муассасаси психологик хизматини такомиллаштириш механизми ва модели ҳамда унинг фаолияти узлуксизлиги ва тизимлилигини таъминлаш вертикал бошқарув тамойили асосида тавсифлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг илмий-услубий асосланганлиги, танлов гуруҳининг репрезентативлилиги, эмпирик натижаларнинг математик-статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун математик-статистиканинг частотали таҳлил методи, Пирсоннинг корреляция мезони ва Стьюдент t-мезонидан фойдаланилганлиги, статистик маълумотларга ишлов бериш ПЭХМда «Microsoft Office Excel» ҳамда «SPSS Statistics ver. 26.0» дастурларида амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабалар психологик саломатлигини таъминлашга қаратилган назарий-методологик жиҳатлар янги маълумотлар билан бойитилганлиги, эмпирик-экспериментал баҳолаш мезонлари белгиланганлиги, илмий хулосалардан педагогик психология, ижтимоий психология, педагогика,



валеология, таълим менежменти йўналишидаги тадқиқотларда фойдаланилиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эмпирик тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган психологик-педагогик тавсиялардан олий таълим тизимидаги психологик хизмат фаолиятини такомиллаштиришда, «Ёш ва педагогик психология», «Ижтимоий психологик тренинг», «Психологик хизмат», «Саломатлик психологияси», «Психодиагностика», «Психогигиена» каби фан соҳаларини мазмунан бойитишда, назарий ва амалий ишланмалардан маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда, психологик амалиётда психокоррекциявий тадбирларни амалга оширишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасалари талабалари психологик саломатлигини таъминлашнинг психологик-педагогик омилларини ўрганиш илмий натижалари асосида:

талабаларнинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларининг таълим муҳитидан қониқиш даражасига бевосита таъсири «субъект-субъект» муносабатларида вазият билан боғлиқ хавотирланишнинг ҳиссий-когнитив компонентини ўз-ўзига адекват муносабатни ривожлантириш асосида пасайтиришига кўра, психологик саломатликни таъминловчи психологик-педагогик омил эканлигига оид маълумотлар ТДПУ ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон буйруғига асосан «Психодиагностика» модули (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон маълумотномаси) мазмунига сингдирилган. Натижада психологларнинг психодиагностик ва психокоррекция компетенцияларини оширишга эришилган;

талабаларнинг ўз-ўзига берадиган баҳосининг адекватлигига кўра, «саломатлик», «характер», «ақлий фаолият» мезонларини марказга қўйиш тамойили негизда трансформацияланиши асосида психосоциал саломатликнинг рефлексив томонини ривожлантириш мумкинлигига доир тавсиялар ТДПУ ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда «Ижтимоий психология» модули (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон маълумотномаси) мазмунига сингдирилган. Натижада психологларнинг психокоррекция ишларини олиб боришга оид билимларини ривожлантиришга эришилган;

талабалар психологик саломатлигини таъминлашда саноген тафаккурнинг эмоционал барқарорлик ва соғлом турмуш тарзига оид тасаввурлар конатив жиҳатини кучайтириш орқали ривожлантиришга қаратилган «жамоавий ўйин», «десенсибилизация», «фединг» психокоррекция усулларини интегратив ёндашув асосида қўллаш самарали эканлигига оид тавсиялар ТДПУ ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон буйруғига асосан «Ижтимоий психологик тренинг» модули (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон маълумотномаси) мазмунига сингдирилган. Натижада психологик саломатликни таъминлашга йўналтирилган услубий ишлар такомиллаштирилган;

«Олий таълим муассасаларида психологик хизматни такомиллаштириш модели» психологик фаолиятда когнитив, эмоционал, хулқ-атвор жиҳатларни шакллантириши муҳимлигига кўра, психопрофилактик-коррекцион йўналишларга детерминизм тамойилига мувофиқ «саноген рефлексияни ривожлантириш» компонентини бириктириш асосида такомиллаштирилганлигига оид таклифлар ТДПУ ҳузуридаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон буйруғига асосан «Психологик хизмат» модули (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 19-апрелдаги ПМ 14а-сон маълумотномаси) мазмунига сингдирилган. Натижада психологларнинг олий таълим муассасаси психологик хизмати фаолиятини такомиллаштириш, илмий-методик таъминотини ташкил этишга оид билимлари бойитилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда 6 та мақола, жумладан 2 таси хориж журналида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯСИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзунинг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқот объекти кўрсатилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Психологик саломатлик муаммосининг ўрганилганлик ҳолати»** деб номланган биринчи бобида психологик саломатлик фанлараро тадқиқотлар предмети сифатида ҳамда талабалар психологик саломатлигини таъминлашда психологик-педагогик омилларнинг роли назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Илмий адабиётлар ҳамда тадқиқотлар таҳлили психологик саломатлик муаммоси бўйича турли фан соҳа вакиллари илмий изланишлар олиб боришганлигини кўрсатади. Психологик саломатлик тушунчаси Б.Братусь, И.Дубровина, Ю.Забродин, В.Пахальян, Ю.Родин, Е.Сергиенко, В.Слободчиков, О.Хухлаева, А.Шувалова каби олимлар изланишларида ўз аксини топиб, уларда психологик саломатлик муаммосининг назарий-методологик асослари ёритиб берилган. С.Борисова, И.Дубровина, В.Кудряшова, С.Оксанич, А.Прихожан,

Н.Толстыхлар ўқувчи ва талабалар психологик саломатлигига доир назарий-экспериментал тадқиқотларни амалга оширишиб, натижада, таълим муҳитида «психологик саломатлик» тушунчаси илмий истеъмолга янада кенгрок киритилади.


Психологик саломатликка доир ёндашувлар таҳлили кўплаб хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар ушбу тушунчанинг моҳиятини изоҳлашда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳамда бир-бирини тўлдирадиган қарашларни илгари суришганлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда психологик саломатлик тушунчаси остида нафақат соғлом психикага ва тегишли хулқ-атворга эга бўлган шахснинг барқарор хусусиятлари мажмуасини, балки энг муҳими, инсоннинг ўзини шахс сифатидаги аҳамиятини кўриши, ўзига, ўз «мен»ига нисбатан ижобий муносабатда бўлиши, ўзини англаш қобилиятини белгиладиган ҳодиса сифатида қараш лозимлигини кўришимиз мумкин.

Саломатликни субъектив баҳолашнинг муҳим жиҳати саломатликнинг ички манзараси ҳисобланиб, бу ўринда уни саломатликнинг онгда акс этган қадриятга бўлган махсус муносабат ҳамда когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор соҳаларини фаол такомиллаштиришга бўлган ижобий интилиш, инсон ўзининг биологик, ижтимоий-психологик ва маънавий имкониятларини баҳолашга қодир бўлган муайян психофизик муҳит сифатида англаш лозим.

Диссертацион тадқиқот доирасидаги таҳлил талабаларнинг психологик саломатлиги олий таълим муассасасининг замонавий технологиялар, ўқув хоналари, моддий-техник жиҳозлар билан таъминланганлигидан кўра, таълим муассасасидаги психологик-педагогик муҳит, мулоқот ва таълим-тарбия воситалари, талабаларнинг ўз-ўзи, ўқитувчилар ва курсдошлари билан ўзаро муносабати каби жиҳатларга кўпроқ боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Олий таълим муассасалари талабалари психологик саломатлигини таъминлаш омилларини ўрганишнинг эмпирик асослари»** деб номланган иккинчи бобида олий таълим муассасалари талабалари психологик саломатлигини ўрганишнинг психодиагностик мажмуи тавсифи, талабалар психологик саломатлигини эмпирик тадқиқ этиш тартибининг тавсифи ҳамда психокоррекция дастурни амалга оширишдан олдинги ҳолатни эмпирик ўрганиш натижалари таҳлили ёритилган.

Эмпирик тадқиқот доирасида психодиагностик методикалар ёрдамида талабаларнинг олий таълим муассасаси таълим муҳитидан қониқиш даражаси («Олий таълим муассасаси талабаларининг таълим муҳитидан қониқиш даражасини ўрганиш анкетаси»); соғлом турмуш тарзига доир тасаввурлари («Талабаларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш анкетаси»); эмоционал барқарорлиги-беқарорлиги (нейротизм) даражаси (Г. Айзенкнинг «Шахс сўровномаси (ЕРІ)»нинг «Нейротизм» шкаласи); таълим муҳитидаги хавотирланиш ҳолатлари тавсифи (Б. Филлипснинг «Таълим муҳитида хавотирланиш даражасини аниқлаш» методикаси); ўз-ўзига бўлган муносабати (Дембо-Рубинштейннинг «Ўз-ўзини баҳолаш» методикаси) кабилар тадқиқ этилди. Экспериментал тадқиқот ишлари уч босқичда олиб борилди (1-расм).



**1-расм. Талабалар психологик саломатлигини таъминлашга йўналтирилган экспериментал тадқиқот тузилиши.**

Эмпирик тадқиқот тажриба гуруҳи (ТГ; n-217) билан – аниқлаштирувчи (биринчи кесим – экспериментал таъсирга қадар) – шакллантирувчи-ривожлантирувчи (экспериментал таъсир кўрсатиш) – назорат (иккинчи кесим – экспериментал таъсирдан сўнг) босқичларда; назорат гуруҳи (НГ; n-203) билан – аниқлаштирувчи ва назорат босқичларда (мазкур гуруҳга экспериментал таъсир кўрсатилмади) амалга оширилди.

Таълим муҳитининг талабаларнинг психологик саломатлигига таъсири масаласи «Олий таълим муассасаси талабаларининг таълим муҳитидан қониқиш даражасини ўрганиш анкетаси» асосида ўрганилди. Анкета сўрови таҳлили ўртача қийматлар ҳамда таълим муҳитидан қониқиш мезонлари кўрсаткичлари асосида амалга оширилиб, бунда анкета натижалари диссертацияда келтирилган стандартлаштириш асосида аниқланган баҳолаш мезонлари бўйича (0 дан 0,83 балгача – қаноатланишнинг паст; 0,84 балдан 1,60 балгача – қаноатланишнинг ўрта; 1,61 балдан 2,38 балгача – қаноатланишнинг ўртадан юқори; 2,39 балдан 3,0 балгача – қаноатланишнинг юқори даражаси) кўриб чиқилди. Анкета сўрови таҳлили таълим муҳити талабаларнинг 17,6 %ни «юқори», 21%ни «ўртадан юқори», 60,2%ни «ўрта», 1,2%ни эса «паст» даражада қаноатлантиришини кўрсатди. Сўров иштирокчиларининг аксарияти ўзлари таълим олаётган муассасасидаги таълим муҳитидан ўртача даражада («ўртача даражада ёки қисман») қониқишларини намоён қилишган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Олий таълим муассасаси таълим муҳитидан қаноатланишнинг умумий даражаси кўрсаткичи (n-420)**

Қаноатланишни баҳолаш мезонлари	Танлов гуруҳи	
	сони	фоизи
Юқори даража	74	17,6
Ўртадан юқори даража	88	21,0
Ўрта даража	253	60,2
Паст даража	5	1,2
<b>Жами</b>	<b>420</b>	<b>100</b>

Анкета натижаларини унинг таркибига киритилган индикаторлар (саволлар) ўртача қийматлари кўрсаткичлари кесимидаги таҳлили асосида уларни ранжирлаштириш (ўртача балларни юқоридан пастга қараб кетма-кетликда тартиблаштириш) амалга оширилди (2-жадвал).

2-жадвал.

**Олий таълим муассасаси таълим муҳитидан қаноатланиш даражаси кўрсаткичи (балл ўртача қиймати ҳисобида, n-420)**

Тавсифлар	Ўлчов бирликлари		
	ўртача қиймат	қаноатланиш даражаси	ўрин
1) профессор-ўқитувчилар билан ўзаро муносабат	1,47	ўрта	I
2) курсдошлар билан ўзаро муносабат	1,39	ўрта	II
3) илтимос ва таклифларга диққатлилиқ	1,33	ўрта	III
4) ўз кадр-қимматини сақлай билиш	1,25	ўрта	IV
5) эмоционал қулайлик	1,24	ўрта	V
6) ўзига нисбатан ҳурматда бўлиш	1,23	ўрта	VI
7) ёрдам олишга бўлган имконият	1,22	ўрта	VII
8) ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконияти	1,18	ўрта	VIII
9) ташаббус кўрсатиш имконияти, фаоллик	1,15	ўрта	IX
10) шахсий муаммо ва қийинчиликларни ҳисобга олиш	1,00	ўрта	X
11) ўз қарорини танлашга ёрдамлашиш	1,00	ўрта	X

Натижаларнинг ўртача қийматлар асосидаги таҳлили талабаларнинг таълим муҳитидан қониқиш даражаси баҳолаш мезонининг «ўрта даража»сида (0,84 дан 1,60 баллгача) эканлигини кўрсатди. Анкета саволлари ўртача балларини юқоридан пастга қараб тартиблаштирилганда ўртача қийматлар аҳамиятлилигига кўра: «профессор-ўқитувчилар билан ўзаро муносабат» (I); «курсдошлар билан ўзаро муносабат» (II); «илтимос ва таклифларга диққатлилиқ» (III); «ўз кадр-қимматини сақлай билиш» (IV), «эмоционал қулайлик» (V), «ўзига нисбатан ҳурматда бўлиш» (VI); «ёрдам олишга бўлган имконият» (VII), «ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконияти» (VIII), «ташаббус кўрсатиш имконияти, фаоллик» (IX), «шахсий муаммо ва қийинчиликларни ҳисобга олиш» (X) ва «ўз қарорини танлашга ёрдамлашиш» (X) кўринишида жой олди.

Олий таълим муассасалари таълим муҳитидан қаноатланиш даражасини ўрганиш натижалари талабаларнинг аксарияти таълим муҳитидан етарлича қониқмасликларини кўрсатди. Бу эса ўз навбатида ўрганилган индикаторлар таъсирида талабаларнинг таълим мотивациясининг сусайиши, ўз-ўзини баҳолаши, ўзини намоён қилиши, ўқиш жараёнида хавотирланиш, муваффақият қозинишга эҳтиёж фрустрациясининг юзага келиши, стрессли ҳолатларининг пайдо бўлиши эҳтимолини ошириши мумкин.

Олий таълим муассасаси талабалари психологик саломатлигини таъминлашнинг самаралилиги кўп жиҳатдан уларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасавурларига ҳам боғлиқдир. Бундай тасавурларнинг ўрганилиши талабалар шахсига мақсадли таъсир кўрсатиш имкониятини яратиб бериб, уларнинг қарашлари «Талабаларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасавурларини ўрганиш анкетаси» воситасида ўрганилди.

Натижаларни қайта ишлашда энг аввало анкетанинг ҳар бир индикатори

белгиланган баҳолаш мезонлари бўйича (муҳим бўлган – 21-30 балл; ўртача муҳимликда бўлган – 11-20 балл; муҳим бўлмаган – 0-10 балл) частотали таҳлил қилинди. Сўнгра анкета индикаторлари частотали таҳлил натижалари асосида энг юқори фоиз кўрсаткичидан пасайиш кўрсаткичига қараб 1 дан 10 ўрингача тартиблаштирилди (3-жадвал).

**3-жадвал.**

**Талабаларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларини ўрганиш натижалари (n-420)**

Соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурлар индикаторлари	Ўрин	Тасаввурлар гуруҳий таснифи					
		Муҳим бўлган		Ўртача муҳимликда		Муҳим бўлмаган	
		сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи
1) гиёҳвандликдан холилик	I	364	86,6	39	9,2	17	4,1
2) спорт билан шуғулланиш	II	343	81,6	41	9,7	37	8,8
3) алкогольга ружў қўймаслик, чекмаслик	III	195	46,5	155	36,9	70	16,6
4) тартибсиз жинсий ҳаёт кечирмаслик	IV	180	42,9	172	41,0	68	16,1
5) соғлом маънавий ҳаёт	V	168	40,1	166	39,6	85	20,3
6) соғлом ва тўғри овқатланиш	VI	163	38,7	141	33,6	116	27,6
7) мазмунга эга бўлган ҳаёт кечириш	VII	130	30,9	155	36,9	136	32,3
8) ўзига нисбатан ижобий муносабат	VIII	108	25,8	180	42,9	131	31,3
9) ўз-ўзини ривожлантириш, такомиллаштириш	IX	93	22,1	195	46,5	131	31,3
10) оиладаги тўқис муносабат	X	68	16,1	215	51,2	137	32,7

Частотали таҳлил натижасида, респондентлар фикрига кўра соғлом турмуш тарзи таркибига кирувчи мезонлар муҳимлиги бўйича гиёҳвандликдан холилик (I); спорт билан шуғулланиш (II); алкогольга ружў қўймаслик, чекмаслик (III); тартибсиз жинсий ҳаёт кечирмаслик (IV); соғлом маънавий ҳаёт (V); соғлом ва тўғри овқатланиш (VI); мазмунга эга бўлган ҳаёт кечириш (VII); ўзига нисбатан ижобий муносабат (VIII); ўз-ўзини ривожлантириш, такомиллаштириш (IX); оиладаги тўқис муносабат (X) кўринишга эга бўлди. Бу ўринда I-VI ўринларда жойлашган тасаввурлар муҳим сифатида, VII-X ўринларда жойлашганлар эса ўртача муҳимликка эга тасаввурлар сифатида тавсифланиши мумкин. Натижалар талабалар психологик саломатликка бевосита таъсир кўрсатувчи омилларнинг моҳиятини умуман олганда тушунишларини кўрсатади. Шу билан бирга талабаларнинг жавобларида саломатликнинг физиологик мазмунига эга бўлган танловлари (I-IV, VI) психологик мазмунга эга танловлардан (V, VII-X) устиворлик қилганлигини кўриш мумкин.

Коллеж ўқувчиларининг соғлом турмуш тарзига оид тасаввурлари ўрганилган С.Оксанич томонидан олиб борилган изланишда ҳам спорт билан шуғулланиш, гиёҳвандликка ружу қўймаслик, мазмунли ҳаёт кечириш, оиладаги тўқис муносабат, соғлом ва тўғри овқатланиш, ўзига нисбатан ижобий муносабат, ўз-ўзини ривожлантириш, соғлом маънавий ҳаёт каби саломатлик соҳалари қайд этилганлиги кўрсатилган. Республикамизда М.Карамян томонидан амалга оширилган тадқиқотда ҳам респондентларнинг кўпчилиги саломатликни ҳаётдаги энг асосий қадрият сифатида билиши аниқланиб, бундай фикрлар, бир томондан уларда саломатлик аҳамиятининг англанилиги ҳақида гапириш имкониятини бериши, бироқ, иккинчи томондан тадқиқот

иштирокчиларида саломатлик ҳақидаги тасаввурларнинг бирмунча нотекислигидан далолат бериши ҳақида хулоса билдирилади. Демак, айтиш мумкинки, ўсмир ҳамда ўспиринлик ёшидаги ўқувчи ва талабаларда саломатликка доир тасаввурлар қайд этиб ўтганимиздек, физиологик мазмунга эга танловларнинг устиворлик қилаётганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай танловларни уларнинг ёш хусусиятлари ҳамда рефлексия доирасида етарлича тушунчаларга эга эмасликлари, шунингдек, саломатликни оммавий тарғиб этиш жараёнида урғунинг асосан физиологик мезонга берилганлиги билан асослаш мумкин.

Тадқиқотда фойдаланилган психологик методикалар бўйича ТГ ва НГларининг экспериментал таъсирга қадар (биринчи кесим) кўрсаткичлари математик-статистик методлар (частотали, Пирсоннинг корреляцияли таҳлил мезони, ўртача кўрсаткичлар қийматидаги фарқларни баҳолашга йўналтирилган Стьюдентнинг t-мезони) асосида таҳлил қилинди:

1) Талабаларнинг эмоционал турғунлик (барқарорлик) – эмоционал нотурғунлик (нейротизм, беқарорлик) даражаси Г. Айзенкнинг «Шахс сўровномаси (ЕРІ)»нинг «Нейротизм» шкаласи асосида тадқиқ этилди. Методика бўйича частотали таҳлил натижасига кўра танлов гуруҳи (n-420) талабаларининг 20,5% эмоционал нотурғунликнинг юқори, 62,4% ўрта ва 17,1% қуйи даражасини намоён қилишган. Бунда тажриба ва назорат гуруҳларининг кўрсаткичлари ўртасида аҳамиятли фарқланиш мавжуд эмаслиги (қуйи даража – ТГ-17,1%, НГ-17,2%; ўрта даража – ТГ-63,6%, НГ-61,1%; юқори даража – ТГ-19,4%, НГ-21,7%) аниқланган.

2) Таълим муҳитидаги хавотирланиш даражаси «Таълим муҳитида хавотирланиш даражасини аниқлаш» методикаси асосида амалга оширилиб, талабалардаги таълим муҳитида хавотирланиш намоён бўлишининг (n-420):

«юқори» кўрсаткичлари – «Стрессга физиологик қаршилик кўрсатишга ожизлик» (45,7%), «Атрофдагилар умидларига мос келмасликдан кўрқиш» (43,6%), «Ўзини намоён қилишдан кўрқиш» ва «Билимларининг сигналишидан кўрқиш» (ҳар бири 32,6%) каби шкалаларда.

«ўртадан юқори» кўрсаткичлари – «Муваффақият қозинишга эҳтиёжнинг фрустрацияси» (42,4%), «Умумий хавотирланиш» (42,1%), «Социал стрессни бошдан кечириш» (35%), «Профессор-ўқитувчилар билан муносабатда муаммо ва кўрқув» (33,6%) каби шкалаларда намоён бўлган.

Бунда ҳам тажриба ва назорат гуруҳларининг кўрсаткичлари ўртасида аҳамиятли фарқланиш мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотда қатнашган талабаларнинг ўртача қарийб тенг ярмида руҳий ҳолатининг ички носоғломлиги кузатилиши мумкинлигидан далолат беради. Бундан келиб чиқиб, талабаларнинг ушбу методика бўйича намоён қилган («ўртадан юқори» ва «юқори» мезонлари бўйича) кўрсаткичлари асосида уларда хавотирланиш намоён бўлишининг умумлаштирилган қиёфасини шакллантириш мумкин.

3) Талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаш даражасининг адекватлиги улар психологик саломатлигига таъсир этувчи кўрсаткичлардан бири эканлигидан

келиб чиқиб, Дембо-Рубинштейннинг «Ўз-ўзини баҳолаш» методикаси қўлланилди. Методика шахснинг ўз-ўзини қадрлаши, ўзини қабул қилиши, кайфияти, етуклиги, танқидийлик, ўзига нисбатан талабчанлик, ҳаётдан қониқиши каби хусусиятларни ўрганиш имконини беради.

Методика натижаларига кўра талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаши (n-420):

«паст даражаси» кўрсаткичлари – «Ўзига бўлган ишонч» (67,1%), «Ташқи кўриниш» (69,3%), «Кўп ишларни ўзи бажара олиши, моҳирлик» (69,0%) ва «Саломатлик» (52,4%) каби шкалаларда;

«юқори даражаси» кўрсаткичлари – «Характер» (32,1%), «Ақл, қобилият» (31,2%) каби шкалаларда намоён бўлиб, бунда ҳам ТГ ва НГлари кўрсаткичлари ўртасида аҳамиятли фарқланиш мавжуд эмаслиги аниқланган.

Частотали таҳлил натижалари асослилиги ҳамда ишончилигини тасдиқлаш мақсадида ТГ ва НГларнинг экспериментал таъсирга қадар кўрсаткичлари Пирсон корреляцияли таҳлил мезони ҳамда Стьюдент t-мезони асосида кўриб чиқилди. Корреляцияли таҳлил натижалари ТГ ва НГининг экспериментал таъсиргача бўлган кўрсаткичлари ўртасида ўзаро аҳамиятли корреляцияли алоқадорлик мавжудлиги ва унинг статистик ишончли ( $p < 0,01$  бўлганда  $r_{эмп} > r_{кр}$  (0,18)) эканлиги, Стьюдент t-мезони ушбу кўрсаткичлар ўртасида аҳамиятли фарқланиш мавжуд эмаслиги ( $p < 0,001$  бўлганда  $t_{эмп} > t_{кр}$  (3,29)) ҳақида хулоса қилиш имконини берди. Ушбу маълумотлар психокоррекцион дастур қўлланилгунга қадар ТГ ва НГ кўрсаткичлари қарийб бир хил бўлганлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **«Олий таълим муассасалари талабаларининг психологик саломатлигини таъминлаш омиллари экспериментал тадқиқоти таҳлили»** деб номланган учинчи бобда олий таълим муассасалари талабаларининг психологик саломатлигини таъминлаш психокоррекцион дастури тавсифи, талабалар психологик саломатлигини таъминлаш психокоррекцион дастури самарадорлиги таҳлили ҳамда талабалар психологик саломатлигини таъминлашга йўналтирилган психологик хизматни такомиллаштириш баён этилган.


Эмпирик ўрганиш натижаларини умумлаштириш асосида талабалар психологик саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида: 1) Таълим муҳитидан қониқиш даражаси; 2) Соғлом турмуш тарзига доир мутаносиб тасаввурлар; 3) Эмоционал барқарорлик; 4) Таълим муҳитидаги хавотирланишнинг адекват ҳолати; 5) Ўз-ўзига бўлган адекват муносабат кабилар белгиланди. Психокоррекцион дастур мазкур омилларни коррекциялашга йўналтирилган ҳолда тайёрланиб, тренинг машғулотларини тайёрлашда Ф.Акрамова, И.Баева, Ш.Баротов, Т.Бобченко, В.Гарбузов, М.Демиденко, О.Евтихов, Н.Исмоилова, И.Кишея, В.Кудряшова, Р.Кутбиддинова, А.Лидерс, Ю.Лунев, Ю.Макаров, В.Мерлин, С.Оксанич, В.Пахальян, А.Прихожан, Н.Пряжников, М.Реньш, А.Чернышёвларнинг тадқиқотлари натижаларига таянилди.

Тадқиқотда қўлланилган психологик тренинг 21 та машғулотдан иборат




бўлиб, ҳар бир машғулот 60 дақиқа давом этиб, ҳар бир машғулот қайта алоқани назарда тутиб, иштирокчиларнинг кутувлари амалга ошганлиги даражасини аниқлаш билан яқунланади. Тренинг машғулотларининг бир ҳафтада 2 марта ўтказилиши белгиланди. Тренинг машғулотларида талабалар психологик саломатлигига таъсир кўрсатувчи омиллар коррекциясини амалга ошириш мақсади белгиланди. Талабаларнинг психологик саломатлигига таъсир кўрсатувчи омилларда психокоррекция дастур (экспериментал таъсир) қўлланилганидан кейинги ҳолатни ўрганиш, дастур самаралилигини аниқлаш мақсадида қўлланилган методикалар натижалари: «биринчи» ҳамда «иккинчи» кесим кўрсаткичлари частотали, Пирсоннинг корреляцияли ва Стьюдентнинг t-мезони асосида таҳлил қилинди.

«Шахс сўровномаси (ЕРІ)»нинг «Нейротизм» шкаласи натижаларида учраш частотаси бўйича «биринчи» ҳамда «иккинчи» кесим кўрсаткичлари ўртасида фарқланишлар мавжудлиги кузатилди. Хусусан бунда ТГда нейротизмнинг қуйи кўрсаткичларининг ошиши (+39,2%) ҳамда ўрта (-19,8%) ва юқори (-19,4%) кўрсаткичларнинг пасайишини, НГ кўрсаткичларида аҳамиятсиз ўзгаришлар (қуйи кўрсаткич: -1,9%га ва ўрта кўрсаткич: -1,5%га пасайиши, юқори кўрсаткич эса: +3,4%га ўсиши) юз бергани аниқланди (2-расм).



**2-расм. Талабаларда нейротизм хусусиятининг намоён бўлиши кўрсаткичининг экспериментал тадқиқот босқичлари кесимидаги динамикаси тавсифи.**


«Таълим муҳитида хавотирланиш даражасини аниқлаш» методикаси асосида олинган маълумотларнинг учраш частотаси бўйича таҳлили экспериментал таъсирдан сўнг «биринчи кесим»даги кўрсаткичларда маълум ўзгаришлар (силжишлар) юз берганлигини кўрсатди. Таълим муҳитида хавотирланиш намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўзида акс эттирувчи шкалаларнинг барчасида «юқори» кўрсаткичлари пасайиши, бунинг ҳисобидан эса «ўрта» кўрсаткичларнинг ошиши кузатилган. Бу эса талабаларга кўрсатилган экспериментал таъсир натижасида уларда муҳитга мослашувнинг яхшиланиши, муаммоли ҳолатларни енгиб ўтиш, хавотирланиш туйғусини назорат қила олиш кўникмаси шаклланишига эришилганлигидан далолат беради (3-расм).



**3-расм. Талабаларда таълим муҳитида хавотирланиш даражаси намоён бўлишининг экспериментал тадқиқот босқичлари кесимидаги динамикаси тавсифи.**

Бунда талабаларнинг таълим муҳитига киришишининг умумий эмоционал ҳолатининг ижобийлашуви, юқори натижаларга эришишга тўсқинлик қилувчи ноқулай психик фоннинг пасайиши, ўзининг имкониятларини намоён этиш билан боғлиқ вазиятлардаги салбий ҳиссиётлар, хавотирланишнинг ифодаланиши, стрессоген вазиятларга мослашувчанлигини пасайтирувчи омилларнинг камайиши намоён бўлади. Бу эса психокоррекцион дастур тажриба гуруҳи талабалари шахсига ижобий таъсир этганлигини кўрсатади.

Талабаларда ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичларининг биринчи ва иккинчи кесимидаги ўзгаришлари динамикаси Дембо-Рубинштейннинг «Ўз-ўзини баҳолаш» методикаси асосида олинган маълумотларни учраш частотаси бўйича таҳлил қилиш орқали амалга оширилди (4-расм).



**4-расм. Талабаларнинг ўз-ўзини баҳолашлари кўрсаткичининг экспериментал тадқиқот босқичлари кесимидаги динамикаси тавсифи.**

Экспериментал таъсирдан сўнг ТГнинг мазкур методиканинг «биринчи кесим»даги барча шкалаларида «куйи» ва «юқори» кўрсаткичларнинг пасайиши, «ўрта» кўрсаткичларнинг ошишини кузатиш мумкин бўлди. Бу эса кўрсатилган экспериментал таъсир натижасида талабаларда муҳитга мослашувнинг яхшиланиши, ўзини адекват қабул қилиш, хатоларини сезиш ва англаш, танқид ва шарҳларга бефарқ бўлмаслик, ўз фаолияти натижаларини тўғри баҳолаш, муаммоли ҳолатларни енгиб ўтиш, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ва воқеа-ҳодисаларга адекват жавоб кўрсатиш кўникмалари шаклланишига эришилганлигидан далолат беради.

Натижалар ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида ТГ ва НГ биринчи ҳамда иккинчи кесим кўрсаткичлари Пирсон ҳамда Стюдент t-мезони асосида кўриб чиқилди. Пирсон мезони асосидаги таҳлил (4-жадвал):

а) ТГнинг биринчи (ТГ<sub>1</sub>) ва иккинчи (ТГ<sub>2</sub>) кесимдаги кўрсаткичларида: «Таълим муҳитида хавотирланиш даражасини аниқлаш» методикаси «Ўзини намоён қилишдан кўрқиш» ( $r=-0,235$ ), «Билимларининг синалишидан кўрқиш» ( $r=-0,203$ ), «Атрофдагилар умидларига мос келмасликдан кўрқиш» ( $r=-0,261$ ), «Стрессга физиологик қаршилиқ кўрсатишга ожизлик» ( $r=-0,288$ ), Дембо-Рубинштейннинг «Ўз-ўзини баҳолаш» методикасининг «Саломатлик» ( $r=-0,167$ ), «Характер» ( $r=-0,139$ ) каби шкалаларда салбий корреляция мавжудлигини, бошқаларида корреляция мавжуд эмаслигини;

б) НГда биринчи (НГ<sub>1</sub>) ва иккинчи (НГ<sub>2</sub>) кесимдаги кўрсаткичлар ўзаро аҳамиятли корреляцияли алоқадорликка эга эканлигини;

в) ТГ ва НГининг иккинчи кесимдаги натижалари «Таълим муҳитида хавотирланиш даражасини аниқлаш» методикаси «Профессор-ўқитувчилар билан муносабатда муаммо ва кўрқув» ( $p < 0,05$ ,  $r = 0,150$ ) кўрсаткичидагина ижобий корреляция мавжудлигини кўрсатди.

